O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 81 (9.119) * 1998 йил 13 июль, душанба * Сотувда эркин нархда

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

***11 июль куни Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов кириш сўзи билан очди.***

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. М. Шоабдураҳмонов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ўз сўзида 1998 йилнинг январь-июнь ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми жорий улгуржи нархларда 56 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этганлигини таъкидлади. Бу 1997 йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархларда ўсиш суръати 101,2 фоизга таъминланди демакдир. Шу жумладан давлатга қарашли бўлмаган секторда ўсиш суръати 101,9 фоизни ёки салкам 44,5 миллиард сўмни ташкил этди. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 1,3 фоизга бажарилмади. Коммунал хўжалиги соҳасида бир қатор иншоотлар ишга туширилди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 191 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил этади. Аҳоли маблағлари ва давлат кредити ҳисобига 105 минг квадрат метр сертификатли уй-жой қурилди.

1998 йилнинг 1 июлига дебитор қарзлар 97 миллиард сўмни, жумладан муддати ўтказиб юборилган дебитор қарзлар 30 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, умумий кредитор қарзлар салкам 87 миллиард сўмни, муддати ўтказиб юборилгани эса салкам 26 миллиард сўмни ташкил этди.

Маърузачи ўз сўзида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ярим йиллик якунларига танқидий назар ташлаб, вужудга келган вазиятнинг қониқарсиз эканлигини таъкидлади. Саноат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилишида ўтган йилги натижага нисбатан умуман шаҳар бўйича ўсиш таъминланган бўлса-да, Акмал Икромов, Юнусобод, Собир Раҳимов ва Ҳамза туманларида ишлаб чиқариш 5 фоиздан 24 фоизгача камайиб кетди. Таққослама нархларда 1997 йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарда истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 фоизга ёки 491 миллион сўмга камайди. Кўрилаётган чораларга қарамасдан шу йил июнь ойи охирига келиб, омборлардаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи жорий нархларда 12,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шулардан 4 миллиард сўмлиги нормадан ортиқча қолдиқлардир. Саноат корхоналарининг 44 фоизида ишлаб чиқариш қувватларидан ғоят самарасиз фойдаланилмоқда. Капитал қурилишда ҳам бир қатор камчиликлар ва нуқсонлар бор. Ярим йилликда бажарилган пудрат ишлари ҳажми сезиларли даражада камайди. Шаҳарда беш ойлик натижалар бўйича 238 та корхона салкам 1,5 миллиард сўмлик зарар кўрди. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигининг касса режаси бажарилмай қолди. Қисқа муддат ичида масалаларни ҳал этишга халақит бераётган барча тўсиқларни бартараф этиш керак.

Фаоллар йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ж. Миржалилов «Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг 1998 йил биринчи ярим йиллик якуний натижалари бўйича иш фаолияти ҳақида», «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамияти бош директори Г. С. Чеврениди «Корхонанинг ярим йилликдаги аҳволи ҳақида», Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи А. С. Валиев «1998 йилнинг биринчи ярим йиллик мобайнида бюджетга тушадиган тўлов ва солиқларнинг тушуми тўғрисида», Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. О. Зокиров «Турар жой (давлат маблағи билан таъминланган) ва сертификатли уйларни фойдаланишга топшириш дастурининг биринчи ярим йилда бажарилишининг бориши ҳақида» маъруза қилдилар.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли резолюция қабул қилинди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. С. Ҳамидов қатнашди ва сўзга чиқди.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига бўшаб қолган ўринга сайловда сайланган депутатнинг ваколатини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг «Шаҳар оқава сув тармоғига ишлаб чиқаришдан тушадиган оқава сувларни ташлашнинг коммунал-экологик норматив лойиҳасини расмийлаштириш ва ишлаб чиқиш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори кўриб чиқилди. Бундан ташқари сессияда Тошкент шаҳар ҳокимининг маҳаллий солиқлар ва йиғинлар тўғрисидаги қарорлари тасдиқланди ва ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Саноат

## БОШ ОМОН БЎЛСА...

***«Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамиятида аёллар ва эркаклар, ўсмирлар ва болалар бош кийимлари тайёрланишини кўпчилик яхши билади. Бугунги бозор иқтисодиёти даврида жамоа аҳли ҳам каттаю кичикни мавсумбоп бош кийимлари билан таъминлаш йўлида, уларнинг кўриниши ва сифатини яхшилаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.***

Айниқса, харидор талабини ўрганиб, уларнинг ҳозирги дидини ҳисобга олган ҳиссадорлик жамияти тажриба цехи конструктор-модельерлари янги маҳсулотлар турларини яратиб, уни ишлаб чиқаришга кўллашга имконият яратмоқдалар. Жорий йилда улар томонидан яратилган аёллар ҳамда болалар бош кийимлари ўзининг чиройи ва қулайлиги билан кўпчилик эътиборини тортмоқда.

— Корхонамизда 200 дан ортиқ турдаги бош кийимлари ишлаб чиқарилади, — дейди тажриба цехи муҳандиси Зуҳра Раҳимова. — Буларнинг барчаси цехимиз конструктор-модельерлари томонидан яратилади ҳамда уни тайёрлашда тажрибали бичиқчи ва тикувчиларимиз муносиб улуш қўшишади. Корхонамизда маркетинг хизмати йўлга қўйилган бўлиб, улар савдо расталари ва бозорларда харидор талабини ўрганишади. Бу маҳсулотларимизнинг омборларда туриб қолмаслигига муҳим ҳисса қўшмоқда. Малакали конструктор-модельер Ноила Богоуддинова, тикувчи Дилдора Шодиевалар сифатли бош кийимлар тайёрлашда ҳамиша пешқадамлик қилишмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра корхона акциядорлари ҳар бир қимматли қоғоз учун 240 сўмдан дивиденд олдилар. Бу, албатта, ҳар бир ҳиссадорнинг ўз мулкига нисбатан жавобгарлигини ошириб, жамоанинг янада унумли ишлашини таъминлашда муҳим ҳисса бўлди. Корхона аҳлининг бугунги мақсади бозор муаммоларини оқилона ҳал этиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизда эътибор қозониши, балки қўшни давлатлар бозорларига ҳам чиқишдир.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*



*Ўзбекистон Халқ банкининг дилинг операцияси бошқармаси етакчи мутахассиси Наргиза Каримова ўз ишини пухта бажаради.*
*СУРАТДА: Наргиза Каримова.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

Биринчи саҳифадан сўз

## МАНБАШУНОСЛИК ВА МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ

**Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг директори, академик:**

— Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашувини Мустақил Ўзбекистон маънавиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида қилаётган жонбозликларининг навбатдаги ифодаси деб баҳолаш керак. Бу галги диққат-эътибор миллий меросни ўрганиш, Шарқ фалсафаси, маънавиятни ривожлантириш, миллий мафкурани яратиш, давлатчилик тарихини ўрганишга қаратилди. Йўлбошчимизнинг суҳбатлари бағишланган мавзулардан ташқари мен шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, хунлар ҳақидаги қилинган чиқиш мисолида ҳар қандай илмий суҳбат илм-фан, мунозара асосида, турли фикрларни баён қилиш, мунозарада аниқлик асосида белгиланиб олиниши керак. Шу нарса яна намоён бўлдики, ўтмиш меросими, ўзбек этногенезими — барибир айланиб келиб ҳозирги замон мустақиллик мафкураси ва сиёсат билан боғланади. Президентимиз бевосита давлатчилик ва ўзбек халқининг этногенези ҳақида суҳбат олиб бораётганида Ўзбекистон Фанлар академияси олиб бораётган ишлар, мавзулар, иш услублари ҳақида ҳам қатор савол-жавоблар бўлди. Бу Президентимиз жуда кўп ва катта масалалар билан банд бўлишларига қарамасдан илм-фаннинг энг муҳим соҳаларини ҳам ўз тафаккурида сақлаб, эътибор бериб келаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг вакили сифатида шуни қайд қилиш ниҳоятда қувончлики, Президентимиз фикрларида бевосита ҳозирда шарқшунос, манбашунос, матншунос олимларимиз олиб бораётган ишлар ҳақида тўхталдилар. Давлатчилигимиз тарихини яратиш ёки ўзбек халқининг этногенезини яратиш айланиб келиб манбашуносликка бориб тақалади. Умуман ўтмиш тарихимизни манбасиз яратиб бўлмайди. Манбаларнинг тури ҳар хил бўлиши мумкин: археологик, нумизматик, этнографик ва ҳоказо. Уларнинг ичида муҳим аҳамиятга эга бўлгани — қўлёзма манбаларини ўрганишдир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ўзининг қўлёзма манбалари билан бутун дунёга машҳур. Мусулмон шарқи, Марказий Осиё тарихи, маданияти, илм-фани бўйича ноёб қўлёзмалар хазинамизда сақланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган олимлар бу қўлёзмаларни ўрганадилар. Ўзбекистонда вужудга келган манбашунослик, матншунослик мактаби бошқа ўлкаларга ҳам маълум. Биз мустақиллик йилларида бир қатор манбаларни нашр этдик. Амир Темур даври бўйича Али Яздий, Шомийларнинг «Зафарнома»лари, XII асрга оид бўлган қўлёзмалар, «Тарихи Рашидий» асари шулар жумласидандир. Лекин эндиликда бу масала бўйича ишлаш юқорида кўрсатилган давлатчилигимиз ва ўзбеклар этногенезини ўрганиш билан узвий боғланиб кетиши лозим.

Президентимизнинг тарихчиларнинг олдига қўйган вазифалари бевосита манбашуносликни ривожлантиришни талаб этади. Бу демак хазинамиздаги қўлёзмаларни ҳар томонлама ўрганиш, халқимизга маълум қилиш, яъни қатор каталоглар тузиш зарур. Шу вақтга қадар хазинамиздаги қўлёзмаларнинг учдан бир қисми бўйича каталоглар тузилган холос. Бу ишни олиб бориш учун ниҳоятда билимли, тажрибали манбашунослар керак. Афсуски, бизнинг манбашунос олимларимизнинг кўпчилигининг ёши бир ерга бориб қолди. Энди ёшларни бу ишга кўпроқ жалб этишимиз керак. Манбани ўрганиш ҳозирги давр ўқувчисига уларни етказиш ниҳоятда қийин. У ижрочидан жуда кўп билим, чидам, меҳнат, маҳорат талаб қилади. Лекин ютуқларимизнинг асоси ёшларни аста-секин бу ишга ўргатиб боришдир.

Қўлёзмаларни сақлаш технологиясини ҳам ҳозирги замон даражасига кўтариш зарур. Турли ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш ва дунёдаги манбалар сақланадиган энг яхши кутубхоналар даражасига кўтариш ниҳоятда керак. Ҳозирги даврда чет эллар билан моддий-маънавий алоқаларимиз кучайиб бораётганда бу ишларни амалга ошириш бизга анча қулайликлар туғдиради, барча имкониятлардан, алоқалардан фойдаланиш учун йўл очади. Матншуносларимиз, манбашуносларимиз шуни унутмасликлари керакки, энг қадимий қўлёзмаларни ўқиш, ўрганиш, нашрга тайёрлаш пировардида маънавиятимизга, миллий мафкурамизга келиб туташади, инсон манфаатига, мафкурамизга хизмат қилиши керак бўлади.

Миллий мафкуранинг туб илдизлари халқимиз яратган миллий меросимизга муштаракдир. Демак, манбашуносликни пухта билишимиз айни чоғда миллий меросимизни кўз-кўз қилиш, ёш авлодлардан ўз тарихи билан ғурурланиш, фахрланиш туйғуларини уйғотиш демак ҳамдир. Тарихчи олимларимизнинг олдида турган масъулиятли вазифаларни бирма-бир шарҳлаш анча қийин бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар биримиз миллий меросимизни пухта ўрганишга бундан буён ўзгача бир шижоат билан ёндошишимиз талаб этилади.

## ФРАНЦИЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



КЕЧА

***жаҳоннинг миллионлаб футбол ишқибозлари қатори бизнинг ҳамюртларимиз ҳам ўз нигоҳларини Францияда бўлиб ўтаётган XVI Жаҳон чемпионатининг сўнгги финал ўйинига қаратдилар.***

Майдонга тушган жаҳоннинг тўрт карра чемпиони — Бразилия футболчилари билан майдон эгалари — Франция чарм тўп усталари XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпиони ким бўлишини аниқлаш учун яшил майдонда тўп сурдилар.

Сен-Дени стадионига тўпланган 80 мингдан зиёд футбол ишқибозлари ва телеэкран қаршисидаги томошабинлар ажойиб ўйиннинг гувоҳи бўлдилар. Французлар юксак маҳорат кўрсатиб, ўйинда бразилияликлар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар ва биринчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлдилар. Уларга 4 килограмму 570 грамм оғирликдаги олтин Кубок ва чемпионлик медаллари топширилди. Бразилияликлар олтин суви юритилган кумуш медалларга, хорватияликлар кумуш медалларга, голландияликлар эса бронза медалларига муяссар бўлдилар.



*СУРАТЛАРДА: финал ўйинидан лавҳалар.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида 8 июль куни рўй берган сув тошқини оқибатида қурбонлар ва вайронагарчиликлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июль куни фалокат юз берган Шоҳимардонда бўлди. Табиий офат оқибатлари Шоҳимардон қишлоғидан 25 километр берида Водилгача етиб келган эди. Оқсув дарёси шу ергача ўз йўлида дуч келган кўприк, бошқа иншоотларни ишдан чиқарди. Йўлбошчимиз Шоҳимардонга келиб Фарғона водийси, Шоҳимардон аҳолиси бошига тушган мусибат муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Ислом Каримов ҳукумат комиссияси фаолияти, ўзанидан чиқиб кетган Оқсув дарёси атрофида юзага келган ҳолат, қилинган ишлар билан танишди. Сув ўзанини жиловлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ислом Каримов сувни тарихий, табиий ўзанига йўналтириш, ҳимоя дамбаларини эса муҳандислик ҳисоблар асосида мустаҳкам қуриш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Йўлбошчимиз табиий офат оқибатларини бартараф этиш ҳукумат комиссияси аъзоларининг, вилоят раҳбарлари, мутасадди ходимларнинг ҳар бири билан батафсил гаплашиб, шу пайтгача қилинган ишларни таҳлил этди ва биринчи навбатдаги вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Саидаҳрор Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланди, Оқил Салимов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этилди.

● Навоий вилояти ғаллакорлари давлатга дон топшириш бўйича буюртма-режани бажардилар.

● Қибрайда ҳозирча қишлоқ туманида ягона бўлган шахмат клуби очилди.

● «Файз» холдинг компаниясида Бирлашган Араб Амирликларидаги фирма билан биргаликда поролон ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

● Бекободдаги шаҳар касалхонаси қошида янги туғруқ-акушерлик мажмуаси очилди.

● «Фарғона ёғи» акциядорлик жамиятида соя ва чигит ёғидан омухта қилиб тайёрланган янги ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● «Ўзбек ипаги» ассоциациясида бўлиб ўтган йиғилиш бажарилган ишлар сарҳисобига ва тармоқ ходимлари олдида турган навбатдаги вазифаларга бағишланди.

### ЖАҲОНДА

● Эртага Франция халқи миллий байрам — Бастилия олинган кунни нишонлайди.

● Латвияга АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Америкалик меҳмонлар бу ерда тўрт томонлама ҳамкорлик бўйича комиссия мажлисида иштирок этади.

● Нигерия раҳбари — генерал Абдусалом Абубакр мамлакат халқини осойишталикни сақлашга даъват қилди.

● Ҳиндистон хавфсизлик хизмати ходимлари Жамму ва Кашмир штатидаги юзлаб кишининг ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин бўлган йирик террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлди.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

● Корея Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси маслаҳатчиси Чо Сон У Россия Ички ишлар вазирлигидан ходимидан махфий ҳужжатлар олаётганда қўлга тушган эди. У жосусликда айбланиб, мамлакатдан бадарға қилинди.

● Покистон ўз қўшниси Ҳиндистондан кейин ядровий қуроллар синовини тўлиқ тақиқлаш шартномасига қўшилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бошлаганлигини маълум қилди. Маълумки, бу икки мамлакатнинг май ойида ўтказган ядровий синовлари бутун жаҳонда катта норозиликка сабаб бўлган эди.

● Жаҳон банки Вьетнамга кредит бериш дастурини тасдиқлади. Ана шу дастурга мувофиқ 2000 йилга қадар Ханойга 2 миллиард доллар кредит берилади.

● Белгород вилоятида шанбага ўтар кечаси бўрон юз берди. Шамолнинг кучи секундига 30 метрга етди.

● Қирғизистонда Демократик партия тузилди. У мамлакатда фаолият кўрсатаётган 20 та партиядан сўнг 21-тартиб рақами билан рўйхатга олинди.

● Уч ойдирки, Польша пойтахти Варшавада ўсмирлар учун эълон қилинган комендантлик соати амал қилмоқда. Балоғатга етмаганларнинг қош қорайгандан эрталаб соат олтигача катталарсиз кўчада юриши тақиқланади.

● Татаристонда юз берган қурғоқчилик бу йилги ҳосил катта қисмининг нобуд бўлишига олиб келди.

● Узоқ Шарқда 33 минг гектар майдондаги ўрмонлар ёнғин қуршовида қолди.

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар амалга оширилиши муносабати билан

**1998 йилнинг 13 июлидан 27 июлигача**

Шуҳрат, Шаҳристон, О. Зокиров кўчаларида, Ж. Обидова кўчасидаги 1, 2, 3-уйларда истиқомат қилувчи 34/35-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

# ЁРҚИН ИЗЛАРИ ҚОЛДИ

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси:**

— Мен «Тошкент оқшоми» газетасида 17 йил ишладим. Газета очилган кундан бошлаб 1983 йилгача. Энди ўйлаб қарасам, бу йиллар ҳаётимдаги энг жўшқин дамлар экан. Бир қанча бадиий асарлар худди шу таҳририят биносида ёзилган. Бу ерда мен ажойиб дўстлар топдим: Тўлқин Расулев, Солиҳ Ёқубов, Раҳматулла Файзуллаев, Абдулла Пўлатов, Ҳамид Икромов... Улар матбуотнинг чинакам фидойилари эди. Мана шу фидойиларга туғма журналист, туғма муҳаррир, яхши адиб Саъдулла Кароматов раҳбарлик қиларди.

Ҳозир қадрли дўстим Тўлқин Расулев билан устозим Саъдулла Кароматов ҳаётдан кўз юмишган. Уларнинг охирати обод бўлишини Аллоҳдан тилайман.

Ҳали айтганимдек, Саъдулла Кароматов бетакрор муҳаррир эди. Кичик меҳнат жамоаси билан икки тилда газета чиқариш, уни 10 минглаб мухлисларга маъқул қилиш жуда қийин иш. Кўпинча, кечалари ётиб қолиб ишлашга тўғри келарди. Бундай пайтда Саъдулла ака ходимлар билан раҳбар сифатида эмас, дўст сифатида муомала қилишни яхши билар, ҳар бир журналистни ташаббус кўрсатишга, янги ғоялар билан чиқишга ундар эди. Ишонч билан айта оламанки 60-70-йилларда «Тошкент оқшоми» Ўзбекистоннинг энг машҳур газетаси бўлган. Энди билсам, бу газета ўша бир қадар мушкул даврларда ҳам бўлажак истиқлол учун хизмат қиладиган кўп мақолаларни босган экан. Айниқса, адабиёт саҳифасида қатағон қурбонлари бўлган ижодкорлар фаолиятига бутун-бутун саҳифалар берилгани бунинг исботидир.

Саъдулла аканинг яна бир фазилати бор эди. У муҳаррир сифатида бутун масъулиятни ўз зиммасига олар, ходимларини бировга оёқости қилдириб қўймас эди. Бир мисол айтишим мумкин. Газетада «Муқаддас қасамни бузганлар» деган мақолам босилиб чиқди. Унда порахўр врачлар қаттиқ танқид қилинган эди. Айрим мансабдор шахслар «Бизда бундай бўлиши мумкин эмас», деб шовқин кўтардилар. Шунда бош муҳаррир мени қаттиқ ҳимоя қилгани эсимда. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Саъдулла Кароматов нисбатан қисқа умр кўрди. Аммо қаламкаш ва раҳбар сифатида ундан ёрқин излар қолди. Саъдулла аканинг дўст ва шогирдлари, фарзандлари унинг хотирасини унутмайдилар.

## ЁДНОМА

Чинакам инсондан ҳамиша эзгу хотира мерос бўлиб қолган. Ўз ҳаётини инсонларга яхшилик қилишга, уларнинг қалбини эзгулик нурлари билан тўлдиришга интилиб яшаган кишидан хайрли юмушлар, ибрат олса арзигудек умр, фарзандлар қоладики, бу ҳалол, заҳматкаш одамнинг абадийлигига ёрқин тимсолдир.

Адибнинг ёзган ҳар бир китоби, санъат аҳлининг яратган ҳар бир образи, мусаввирнинг рангин бўёқлари доимо ўз муаллифини эслатиб туради. Бутун қайноқ истеъдодини журналистикамизга, адабиётимизга бахшида қилган, бир қатор публицистик ва насрий асарлар муаллифи Саъдулла Кароматов ана шундай комил инсонлардан бири эди. Унинг ҳақида кўрган-билганлар, ҳамкасблар ҳамиша илиқ хотираларни меҳр билан сўзлашади. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи муҳаррири, «Олтин қум», «Сўнгги бархан» сингари романларнинг, ўнлаб қиссаларнинг муаллифи Саъдулла Кароматов ҳаёт бўлганида 70 ёшга кирар эди. Бинобарин у ўзининг яратган асарлари, ўрнак олса арзигудек жўшқин журналистик фаолияти билан ҳамиша барҳаётдир.



# «ОҚШОМ»НИ НУРЛАНТИРГАН ЭДИ

**ШУКРУЛЛО,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

— Биров ҳақида, айниқса, у орамизда йўқ бўлса бирон сўз айтиш қийин бўлади. Лекин мен «Тошкент оқшоми»нинг биринчи муҳаррири ҳақида бажонидил дилимдаги сўзларимни айтаман.

Саъдулла Кароматов ишнинг кўзини биладиган муҳаррир эди. Биласиз, раҳматли Ғафур Ғуломдан бирон нима «ундириш» осон бўлмасди. Лекин «Тошкент оқшоми»нинг биринчи сонида атоқли шоиримизнинг қутловлари босилган. Қутлов бўлганида ҳам самимий, ўзбекона!

Саъдулла Кароматов мард инсон эди, ўзини эмас, газетани, газетанинг ходимларини ўйлар эди. Ўша йиллари чоп этилган «Тошкент оқшоми» саҳифаларини варақланг: қатағон қурбонлари ҳақидаги туркум материалларга кўзингиз тушади. Олтмишинчи-етмишинчи йиллари бундай йўл тутиш учун муҳаррирга «отнинг калласидай» юрак керак эди.

Саъдулла Кароматов «Оқшом»ни нурлантирган эди. Унинг қалбидаги яратиш иштиёқи, ўз касбига меҳри чироққа айланиб кетганди. Ҳозир ҳам «Оқшом» саҳифаларида ўша нурни кўраман. «Оқшом»чи йигит-қизларда Саъдулла Кароматовда бор бўлган мухбирларга меҳрибонликни кўраман.

Бир шеъримда ёзган эдим:

***Майли, зарраларга айлансин юрак,***
***Дўстлик, меҳр бўлиб сингса***
***ҳар танга,***
***Ахир шеър, юрак не учун керак,***
***Яхшилик қилмаса агар инсонга?!***

Саъдулла Кароматов яхшилик қилиш учун яшаган инсон эди. Яхшиларнинг, яхшиликнинг эса умри боқий бўлади.

# ЯХШИЛИКНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

**Мақсуд ҚОРИЕВ, ёзувчи:**

— Уйингизга меҳмон келди, дейлик. Дарҳол дастурхон ёзасиз, унга анвойи ноз-неъматлар қўясиз. Қизиғи шундаки уларни жой-жойига қўясиз. Дастурхонингиз файзли бўлади, гўзал кўринади.

Газетани ҳам мен дастурхонга ўхшатаман. Бўлимлар берган материаллар — ноз-неъматларни, соҳиби дастурхон — масъул котиб жой-жойига қўяди, яъни макет қилади. Материалнинг долзарблигини билишда, қайси материални қаерга қўйишда раҳматли Султон Акбарийнинг олдига тушадиган масъул котиб йўқ эди. Эртага етмиш ёшга тўладиган Саъдулла Кароматов (жойи жаннатда бўлсин) ҳам Султон Акбарийнинг дарсини олган, забардаст котиб саналарди.

Саъдулла Кароматов 1949 йилда Тошкент Давлат университетини тугатиб, «Ўзбекистон овози» (собиқ «Қизил Ўзбекистон)га ишга келди. Бўлимда ишлади. Масъул котиб ўринбосари Султон Акбарий бошқа ишга ўтгач эса масъул котиб бўлди. Ундаги иқтидорни, тиришқоқлик, талабчанликни кўриб, масъул котиб этиб тайинлаш тўғрисида буйруқ берганим кечагидек эсимда. Ундаги маҳорат, илғай билиш санъати, энг муҳими, касбини севиши барчага манзур эди.

Эллигинчи йиллар Саъдулла Кароматовнинг ижодида ҳам, газетада ҳам юксалиш йиллари бўлди. Умуман унинг ижодини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврда «Бир томчи қон», «Йўллар тоғларга бориб туташади», «Амунинг зар кокили» сингари публицистик китоблари ҳамда қиссалари яралди. Улар журналистикамизда ҳам, адабиётимизда ҳам тез тилга тушди, ўзига хос катта воқеа бўлди. Иккинчи даврда эса «Тоғ гўзали» қиссаси, «Олтин қум», «Сўнгги бархан» қисса ва романлари яратилди. Шу асарлар Саъдулла Кароматовнинг адабиётимиздаги ўрнини белгилаб берди.

1966 йилги 26 апрель зилзиласидан кейин Тошкентда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам бунёдкорлик ишлари юксала борди. Шу йили «Тошкент бинокори», «Тошкент оқшоми» газеталари ўзбек ва рус тилларида ташкил этилди. «Оқшом» газеталарига Саъдулла Кароматовни муҳаррир сифатида тавсия этдик. Янглишмаган эканман, «Тошкент оқшоми» газетаси биринчи сонидан бошлаб тезкор, ўзига хос, халқ эътиборини тортадиган газетага айланди. Макетининг ниҳоятда кўркамлиги, материалларнинг ихчамлиги, содда тилда ёзилгани, энг муҳими, фаол мухбирлари кўплиги сабаб газета яшнаб кетди. Ўша йиллардаги тезкорликни, раҳматли Саъдулладан мерос қолган макет оригиналлигини йиллар ўтган бўлса ҳам, ҳозирги «Оқшом» саҳифаларида кўриб, қувонаман. Хусусан, мустақиллик йилларида бу хислатлар чарақлаб турибди.

Эсимда, газета ташкил этилаётганда Саъдулла Кароматов кириб келди.

— Маслаҳатлашгани келдим. Русчаси яхши, «Вечерний Ташкент», ўзбекчасининг номини «Кечки Тошкент» деб қўйсакмикин? Шу номда тўхталиб турибмиз.

— Саъдуллажон, — дедим. «Кечки Тошкент» русчанинг таржимаси эканлиги сезилиб турибди. Унга «Тошкент оқшоми» деб ном берсак қалай бўларкин?

Саъдуллажонга жуда маъқул тушди. Лекин бир-икки оғайнилар бўлди. «Бу ном газетага мос эмас» деб эътироз билдиришди. Лекин Саъдулла Кароматов ўз сўзида маҳкам турди.

Саъдулла Кароматовдан кейин масъул котибга ёлчимай юрдик. Бир сафарги йиғилишда қаттиқ ранжиганимдан кейин «Масъул котибнинг ғўри — муҳаррирнинг шўри» деб юборибман. Отахон журналист ва адибимиз Ҳабиб Нуъмон буни кўп гапириб юрди, ҳатто китобларида ҳам фойдаланди.

Саъдулла Кароматов ниҳоятда суҳбати дилкаш, одамжон эди. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан, «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоров билан иноқ эди. Уларни жуда ҳам қадрларди. Ҳамиша маслаҳатлар оларди, суҳбатлар қурарди.

Ҳар бир яхши юмушнинг тамал тоши бўлади. Саъдулла Кароматов, таъбир жоиз бўлса, яхшиликка, барҳаётликка тамал тошлари қўйган адибдир. Унинг асарлари билан бир қаторда, бирга ишлаган кишилар қалбига эккан яхшилик уруғлари унинг умри абадий бўлади дейишимга асос бўлади. Қайси даврада Саъдулла Кароматовни биладиган, қадрлайдиган одамлар бор бўлса, албатта у ҳақида хотирлайдилар. Яхши одатларини эслаб, миннатдор бўладилар. Мабодо Саъдулла Кароматов яхшилик уруғларини экмаганида, инсонлар учун яшамаганида шундай бўлармиди?!

Мухтасар хотирамга нуқта қўяр эканман, қаламкаш дўстим, фидойи журналист Саъдулла Кароматовнинг яхши ишлари боқийдир дегим келади.



*Тошкент китоб-журнал фабрикаси жамоаси Мустақиллигимизнинг 7 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида баракали меҳнат қилиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида изланмоқдалар.*

*СУРАТДА: Мукаррам Султонова бошчилигидаги саҳифа териш шохобчаси ишчи аёллари ҳамиша пешқадамлар сафида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Қатра

# УМР

***Гоҳи ўзимга ўзим савол бераман: «Умр нима?» Ҳаётнинг ўтмиш варақларидан жавоб қидирар эканман, ҳар хил фикрга келаман. Умр — бу оқар сув!***

Йўқ-йўқ, асло бундай эмас. Оқар сувнинг қачон, қаердан, кўпайиши, камайишини, олдиндан билиш мумкин! Умрни-чи?! Умр бу — олис манзилга сафарга чиққан йўловчи! Йўловчининг сафарга отланиши — бу умрнинг бошланиши. Йўловчи токи манзилига етгунча ҳар хил воқеа — саргузаштларни бошидан кечиради. У йўлда гоҳи хафа бўлса, гоҳи хурсанд бўлади. Гоҳи чанқаса — гоҳи қонади! У гоҳи тоғу-тошдан юрса, гоҳида чўлу адирдан ўтади. Гоҳида яхши одамларни кўриб ҳавас қилса, гоҳи кимларнидир кўриб нафратланади! У кимгадир ёқади, кимгадир ёқмайди! Кимнидир севади, кимларнидир севмайди! Кимгадир муҳаббат изҳор этади, кимгадир этолмайди! Яна ўзимга ўзим савол бераман: «Муҳаббат нима?» Яна ҳаётда изланаман: Муҳаббатнинг қонуни борми? Муҳаббатни аниқ тушунтира оладиган сўз, ибора борми? Муҳаббат — айрилиқ, жудолик, надоматми ёки мақсадга етишмоқми? Муҳаббат — бевафолик, хиёнатми ёки вафодорлик, диёнатми?! Муҳаббат — ғам-ташвиш, кулфатми ёки омад ва бахтми?! Муҳаббат — қийноқ азобими ёки мазмунли яшамоқми?! Муҳаббат беғубор гулми ёки лойқатилган сувми?! Муҳаббат — бойлик, пулми ёки бир оғиз ширин сўзми?!»

Ўзимга ўзим яна савол бераман!

— Унда бу жараёнлардан нима устун келади? Сабрми? Агар сабр-бардошинг дош беролмаса-чи?! Сен бу машаққатли босқичлардан бош суғуролмасанг, кейин унда нимага ҳамдард тутунасан? Ичимликками?! Ичимлик ичиб сархуш бўлган чоғларинг сенга бахтни инъом эта оладими ёки нажотга муҳтож қалбинг устига ғам жаласини ёғдирадими?! Эй кўнглим, нега бунчалик хомуш қиёфага кириб ўйга чўмдинг?! Бундай дамларни ўйлаш учун вақт ажратиб ўтирмай, умидингни келажак ёғдуси сари бошласанг-чи! Наҳот орзуси тиниқ инсонни — яратгувчи Аллоҳ севишини, бахт у учун қучоғини очишини билмасанг?! Умрингга таққослаган йўловчи манзилига етиши ҳақида ўйласанг-чи!

У йўловчи манзилига етиб борганида — сенинг умринг ҳам охиратга етиши ойдин-ку! Шундай экан, бу фоний дунёда маънавият таомларидан баҳраманд бўлиб, ўзликни билган ҳолда меҳр уруғини сочиб яшаш — юрагида тириклик қони бор инсонга катта бахт эмасми?!

*Сайфулло ДЎСТҚУЛОВ.*

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан шу йилнинг 1 июлидан бошлаб пенсия ва нафақаларнинг янги миқдори белгиланди ва бугунги кунда жойларда уларнинг ижроси таъминланмоқда.***

***Шу Фармонга асосан пенсия ва нафақаларнинг янги ҳисоб-китоблари тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимияти ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Каримберди ҒАНИЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Фармонга биноан 1998 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1100 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 2100;

болаликдан ногирон бўлганларга бериладиган нафақа ойига 2100 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 1275 сўм миқдорида белгиланди.

1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг барча турлари ўрта ҳисобда 1,6 бараварга оширилди. Турли йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида, 1991 йил 1 январга қадар тайинланган пенсияларнинг барча турлари миқдори ўрта ҳисобда 1,7 бараварга, 1991 йилдан бошлаб тайинланган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилди.

1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларга бериладиган барча устама ва қўшимчаларнинг барча турлари Президент Фармонида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг қўлланма хати асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини ўз вақтида бажариш учун 1998 йил 17 июндан барча туман ижтимоий таъминот бўлимларида қайта ҳисоблаш ишлари олиб борилмоқда.

*Мутасаддилар фикрича...*

# ФАРМОНГА БИНОАН

Тошкент шаҳри бўйича ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан ҳаммаси бўлиб 342855 киши пенсия ва нафақалар олади. Улардан:

— пенсия олувчилар — 305202;

— бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа олувчилар — 20994;

— зарур иш стажига эга бўлмаган фуқаролар — 16659.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича маблағлар бир ой давомида 609 миллион 738 минг сўмдан то 975 миллион 580 минг сўмгача ўсади.

1993 йил 3 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан тайинланган пенсиялар, методик қўлланмага асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) жараёнида топширилган асосий иш ҳақлари замонавийлаштирилади ва шу замонавийлаштирилган ўртача иш ҳақларидан меҳнат стажига мутаносиб равишда фоиз ҳисобида пенсия миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Қонуннинг 31-моддасига асосан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади, 1998 йил 1 июлдан бу 7700 сўмни ташкил этади (1100 энг кам иш ҳақи х 7).

Агар ўртача иш ҳақига замонавийлаштирилган тузатувчи коэффициентлар қўлланилгандан кейин 7700 сўмдан ошиб кетса, ундай ҳолда пенсия миқдори юқори чегара 7700 сўмдан ҳисоблаб чиқарилиши керак.

Масалан:

Агар аёл киши 40 йиллик меҳнат стажига эга бўлса, 1998 йил 1 июлдан унинг пенсия миқдори 5775 сўмни (7700 х 75%), агар умумий стажи 39 йилни ташкил этса унда унинг пенсия миқдори 5698 сўмни (7700 х 74%) ташкил этади ва ҳоказо.

Шунингдек, ёшга доир пенсия ҳисоблашда эркак кишининг умумий иш стажи 45 йилни ташкил этса унинг пенсия миқдори 5775 сўмни (7700 х 75%) ёки иш стажи 44 йилни ташкил этса унда унинг пенсия миқдори 5698 сўмни (7700 х 74%) ташкил этади ва ҳоказо.

Агар пенсия миқдори қайта ҳисоблангандан кейин 1,5 баробарга ошмаса, унда 1998 йил 1 июлдан пенсия миқдорлари 1,5 баробарга етказилади.

Масалан, фуқаро Маҳмудова 1990 йилда 40 йиллик иш стажи билан пенсияга чиқди ва ўшанда 120 сўм оларди. Унинг сўнгги пенсия миқдори, яъни 1998 йилнинг 1 июлига қадар ўртача иш ҳақи 4353,27 сўм бўлгани ҳолда 3264,95 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари у хизмат кўрсатган маданият ходими сифатида унвон учун 450 сўм (энг кам иш ҳақининг 60 фоизи, яъни 750 х 60% = 450) олган. Шундай қилиб устамаси билан унинг пенсияси 3714,95 сўмни ташкил этди.

Янги Фармон амалда жорий этила бошлаганидан кейин эса унинг пенсияси ҳажми 5529,22 сўмлик ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан белгиланди, яъни 5529,22 х 75% (40 йиллик стаж учун) = 4146,96 сўм бўлди. Бироқ аввалги пенсия билан таққослаганда янгидан қилинган ҳисоб-китоб чоғида пенсия бор-йўғи 1,27 баробарга ошди (4146,91:3264,95), яъни 1,5 баробар кам. Шу боисдан ушбу пенсиянинг ҳисобини қуйидаги тарзда чиқариш даркор: 3264,95 х 1,5 = 4897,42. Олинган суммага 660 сўмни қўшиш даркор (унвон учун 60% қўшимча). Шундай қилиб фуқаро Маҳмудованинг пенсияси 1 июлдан бошлаб 5557,42 сўмни ташкил этади.

Ёки:

Эркак кишига 1991 йили умумий стажи 35 йилдан 2224 сўм 64 тийин пенсия тайинланган, 1998 йил 1 июлдан ўртача иш ҳақи 4860 сўмдан пенсия миқдори 3159 сўмни ташкил этади (4860 сўм х 65%), яъни 1,42 баробар кўпаяди.

Шунинг учун 1998 йил 1 июлдан бундай пенсия миқдорлари 1,5 баробарга оширилади.

2224 сўм 24 тийин х 1,5 = 3336 сўм 96 тийин.

Барча пенсионерлар ва нафақа олувчи фуқаролар июль ойида пенсияларини янги миқдорда алоқа бўлимларидан ёки жамғарма банкларидан оладилар.

Ишловчи пенсионерлар пенсияларини иш жойларида олганликлари сабабли уларга ҳам пенсияни янги миқдорда тўлаш учун корхона, ташкилот, муассаса раҳбариятлари ишловчи пенсионерларининг «Топшириқнома»ларини яшаш жойлари бўйича туман ижтимоий таъминот бўлимларига топширишлари лозим.

Матбаа

# МОЗИЙГА БИР НАЗАР

***«Ўзбекистон» нашриёти Омонулло Бўриевнинг «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё» (тарихий-географик лавҳалар) китобини нашрдан чиқарди.***

Ушбу китобда Марказий Осиёнинг XIV—XV асрлар, яъни Темурийлар давридаги тарихий географиясини ёритиш, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, табиати, хўжалиги, халқаро алоқалари географияси ва топонимияси ҳақида сўз юритилади. Зеро, бу давр Марказий Осиё, айниқса Мовароуннаҳр халқлари тарихида буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ва унинг авлодлари — Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ катта сиёсий ва маъмурий ўзгаришлар даври бўлди. Шу сабабдан, бу давр илм-фанда Марказий Осиё тарихидаги буюк юксалиш даври деб топилган.

Китоб турли соҳа мутахассислари, айни пайтда олий ўқув юртларида Марказий Осиё тарихий географияси дарслари учун зарур маълумотларни ўз ичига олади.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

Мулоҳаза

# ОҚТОМ ЙЎЛИДА

***Шаҳримиздан қирқ километрча нарида етмиш гектар чамаси сайҳонлик бор. Уни Оқтом дейишади. Дўстим Салимбек ака неча йиллардан бери ўша ерлардаги экинларга қоровуллик қилади.***

Бир йил-икки йилда дўстимнинг зиёратига бориб тураман. Мана, автобусга миниб, яна йўлга чиқдим. Одам кўпроқ экан, бир йигит ўрнидан туриб, ўтиришга таклиф этди. Йўл-йўлакай гаплашиб, анчагина яқин бўлиб қолдик. Бироз муддатдан кейин йигит:

— Отахон, бир нарсани сўрасам майлими? — деди.

— Сўранг, ўғлим, — дедим.

— Яқин ўртада бозорга тушдингизми?

— Ҳа, тушдим, нима эди?

— Нарх-навони қаранг...

— Бозор-да, бозор, ўғлим... Ҳали тушади, ҳали чиқади.

— Шундайку-я... Ниятим уч фарзандимнинг ҳаммасига бир-бир кўйлак-шим олиш эди. Лекин фақат иккитасига ололдим, холос.

— Ҳа-а.., унинг мақсадини англадим. Кейин йигитга қараб: — Келинг, бир гапни айтиб бера қолай, — дедим.

... Маннофбек деган поччамиз бўлардилар. Аммамизнинг эрлари. У киши кўп оқил, фозил одам эдилар. Қачон аммамизникига борсак, поччамлардан, албатта, яхши-яхши гаплар эшитиб келардик. Бир куни бир гала бола ҳовлини тўлдириб ўйнаб юрганимизда тенгқурларимдан биттаси поччамизга уйидаги етишмовчиликлардан гапирганда поччам: «Мен сизлардай вақтимда Қаъни деган жойда турардик, каттакон боғимиз бўларди, — деб гап бошладилар. — Оиламизда тўққиз киши эдик: дадам, ойим, учта акам, бир опам, икки синглиму мен. Ҳали-ҳали эсимда: баҳор кезларида калишимнинг таги сал кўчиб қолди. Дадамларга кўрсатиб, «Калиш оберинг», дедим. «Хўп, ўғлим, чиллаки пишсин, сотайлик, олиб бераман», — дедилар.

Кутдим. Чиллаки пишди. Обкашлаб бозорга ташидик, сотдик. Лекин калиш олиб бермадилар. Хомушлигимни кўриб: «Кишмиш пишсин, олиб бераман», — дедилар. Кишмиш ҳам, сояки ҳам пишди. Чарос ҳам, нимранг ҳам пишди. Калиш олинмади.

Куз кирди. Ишкомларда ҳусайни, шивирғони, диликаптар, тоифи бирин-кетин етилиб, боши ерга тегай деб турибди. Узумларнинг ҳар бири кўзимга калиш бўлиб кўринади. Лекин калишдан дарак йўқ. Ниҳоят, қирмиска пишди. Бир чеккадан бозорга узум ташиб сотдик. Қишкиларини ертўлага осдик. Шундан кейин дадам: «Қани, юр-чи», деб бозорга олиб тушдилар. Оёғимга кийдириб кўриб, калиш обердилар...

— Кўрдингларми? — дедилар поччам охирида. — Тўққизта одам бор оилада битта калиш олиш қанча машаққат бўлган. Миллион-миллион аҳолиси бор давлатни эплашнинг ўзи бўлмайди. Сабр қилсак, ҳамма ниятларимизга етамиз».

— Ана шунақа гаплар, — дедим поччам айтганларини якунлаб. — Шукрки юртимизни соғиб ичган тузумдан қутилиб олдик. Эндиликда катта-катта комбинатлар, корхоналар, конлар қурилиб, ишга тушди. Илгари бўлганлари янгиланяпти. Яна қанчадан-қанчаси қурилаётибди. Буларнинг ҳаммаси ҳадемай оғиримизни енгил қилади.

Автобусдаги ҳамроҳим бирон марта ҳам гапимни бўлмасдан эшитди-да:

— Раҳмат, отахон, кўп ибратли гап экан, — деди.

Яна бошқа гаплардан гаплашиб кетдик. Икки-уч бекатдан кейин у хайрлашиб, тушиб қолди.

*Эркин ЖАББОРОВ.*

«01»

# ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

***Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида шаҳримизда 787 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинлар оқибатида 16 киши ҳалок бўлиб, 31 киши ҳар хил турдаги куйиш тан жароҳати олдилар. Ёнғинларнинг кўпчилиги газли иситиш асбобларидан фойдаланишда, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда. Қуйидаги мисоллар фикримизга далил бўлади.***

• 2 май куни Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган 75-қурилиш бошқармасига қарашли қурилиш уйчасида ёш болаларнинг гугурт ўйнашлари оқибатида ёнғин содир бўлди. Натижада қурилиш уйчасининг 20 квадрат метр юзада ички қопламаси ёнган.

• 3 май куни Миробод тумани, Фитрат 3-тор кўчаси, 4-уйда газ печи мўрисининг носозлигидан ёнғин чиқиб, натижада шу уйнинг 150 квадрат метр юзада томи ва уй жиҳозлари, қўшни 6-уйнинг ҳам 15 квадрат метр юзада томи ва шифти ёнган.

• 4 май куни Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 137-уй, 26-хонадонда уй эгасининг газ плитаси устида овқатни қаровсиз қолдиргани оқибатида ёнғин содир бўлди. Уй жиҳозларига айтарли зарар етмади.

• 5 май куни Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 119-уйнинг йўлагида электр симларининг қисқа туташувидан ёнғин чиқиб натижада шу уйнинг йўлагига зарар етган.

• Яна шу куни Чилонзор-20 даҳаси, 25-уй, 23-хонадонда уй эгасининг ўрнида сигарета чекиши оқибатида ёнғин содир бўлган. Натижада уй жиҳозларига бир мунча зарар етган.

• 6 май куни Ҳамза тумани, Лисунов-1 даҳаси, 26-уй, 19-хонадонда телевизор симлари қисқа туташуви оқибатида ёнғин чиқиб, натижада уй жиҳозларига зарар етган.

• 7 май куни Мирзо Улуғбек тумани, Интизор-3, берк кўчаси, 10-а уйда ҳаммомнинг тўхтовсиз ишлатилиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 3 квадрат метр ҳаммомнинг ички ёғоч қопламалари ёнган.

• 8 май куни Ҳамза тумани, Лисунов-1 даҳаси, 57-уй, 12-хонадонда уй эгасининг маст ҳолда ўринда сигарета чекиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада уй эгасининг танаси 1-2 даражали 5 фоиз куйиб, касалхонага жўнатилди.

• 13 май куни Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 84-уйда 7 ёшли Раҳим исмли боланинг гугурт ўйнаши оқибатида кўрпа-тўшаклар ёнган. Болага зарар етмаган.

• 14 май куни Чилонзор тумани, Чўпонота кўчасида жойлашган «Чилонзор таом» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Қозиробод» ресторанида, электр совутгичнинг тўхтовсиз ишлаши оқибатида 80 квадрат метр юзада овқатланиш залининг шифти ва томи ёнган.

• 22 май куни Акмал Икромов тумани, Чилонзор-23 даҳаси, 3-уйда шу уй эгасининг қозонда ёғни назоратсиз қолдиргани оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада уй эгасининг қўли, юзи куйган.

• 26 май куни Яккасарой туманида жойлашган «Тошкент тўқимачилик комбинати» ҳиссадорлик жамиятида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 25 квадрат метр юзада омбордаги маҳсулотлар ёнган.

• 30 май куни Собир Раҳимов тумани, Спутник кўчаси, 5-уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 50 квадрат метр юзада ошхона томи ёнган.

*Тўлаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими.*

«02»

# БУХОРОДАН МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Ҳамза туманидаги Кадишев бозорида тўсатдан аёл кишининг «Войдод, ҳамёнимдан айрилдим», деган фарёди эшитилиб қолди. Бу вақт бозорда ўз хизмат вазифасини ўтаб юрган Ҳамза тумани ИИБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Назир Зокиров шу яқин ерда турганди. Дарров аёлдан гумондор тўғрисидаги маълумотларни олди. «Ҳов, анави киши», дея бармоғи билан кўрсатди жабрланувчи. Ҳақиқатдан ҳам аёл кўрсатган киши қочиб кетаётганди.

Назир у кимсанинг кетидан қувлаб уни бекатга етмасдан ушлаб олди. Гумондор ҳали чўнтагидаги пулни ташлаб юборишга ҳам улгурмаганди. Жабрланувчи ва бошқа гувоҳлар билан бирга гумондор Ҳамза тумани ИИБга олиб келинди. Тегишли ҳужжатлар тузилди. Аввал ҳам қинғир ишлари учун қамалиб чиққан А. Қаҳрамоннинг «касали» тутиб бозорга «ов»га чиққан экан. Аммо ови бароридан келмади.

Қаҳрамон нафақат ҳамённи, балки аёлнинг бўйнидаги тилла тақинчоқни ҳам биратўла юлқиб кетганди. Жабрланувчи Тошкентга иш билан, аниқроғи хизмат сафари билан келган экан. Майрам Жўраевани ишхонасидан қисқа муддатли ўқишга юборишганди. Ўқиш тамом бўлгач болаларига ул-бул нарса олиш ниятида бозорга тушганди. Афсуски, уйдаги режалари бозорга тўғри келмай қолди. Энди савдо қиламан деб турганида талончи чўнтагига тушди. Яхшиямки, Ҳамза тумани ИИБ тезкор вакили Назир Зокиров ўз вақтида ёрдамга етиб келди. Уйига ғам билан эмас, қувонч ила қайтди.

Яқинда Ҳамза тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Содиқжон Аҳмадхўжаев номига Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Майрам Жўраевадан мактуб келди. Унда қуйидаги дил сўзлари битилганди:

«Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри нафақат гўзаллиги билан машҳур. Балки тарбия кўрган, намунали хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар ходимлари билан ҳам танилган. Мен буни ўз ҳаёт тажрибасидан ҳам биламан. Мен Бухорога қайтгач шаънимга кўрсатилган ҳурмат ҳақида қариндошларимиз ва ҳамшаҳарларимга мириқиб сўзлаб бердим. Фурсатдан фойдаланиб Сизларга ўз миннатдорчилигимни билдириш билан бир қаторда Республикамиз равнақи ва келажаги йўлида олиб бораётган хайрли ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламан. Шундай тинчлик посбонлари элимизда доим омон бўлишсин».

Менимча, изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ.*

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**



Сўлим гўша бағрида.
Рустам Шарипов олган сурат.

***Бир ўртоғимиз собиқ марказда аспирантурада ўқир эди. Йўлим тушиб пойтахтга бориб қолдим. Излаб шеригимни топдим. 2 та кичик хоначада 3 таси турар экан — бир биолог аспирант, менинг биродарим ва битта ит.***

Кечқурун хонадошлар жамул-жам бўлди. Итнинг эгаси мақтай кетди: «Зотли ит, шажараси бор, ақли зийрак, мени ўлимдан қутқариб қолган — Сибирда ов қилиб юриб узоқ сафардан қайтганимда уйимизга икки километрча қолганда очликдан, чарчоқдан ўзимни билмай толиқиб, йиқилиб қолганман. Шунда шу ит кийимимдан тишлаб, тортқилаб уйга етиб келишимга ёрдам берган. Бу менинг ҳалоскорим, овчилик мавсумида эса ризқи-рўзим. Мен овчиман, шу ит бўлмаса, қанча-қанча олмахон, тийин, соболь ота олармидим?»

Ит чиндан ҳам ҳеч нарсага, ёт одамга тегмайди. Барибир, томоғимдан овқат ўтмайди, ҳамма нарсани ўша ит ҳидлаб қўйгандай. Уйқуям уйқу бўлмади. Эрталаб шеригимга хайр-хўш қилиб, жўнадим.

Урушдан кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштириш учун қишлоқ аҳолисини мажбурий кўчириш пайтида Зомин туманидаги Бешбулоқ қишлоғи халқи ёппасига кўчишга қарор қилади ва кўчаётиб итларини ташлаб кетишади. 30-40 итнинг аллақанча вақтларгача уввос солиб йиғлагандай улиб, инграганини эшитган бандаи худо чидаб туролмас эди, дейишади кўрганлар.

Лекин севимли итини ҳурмат билан охирги сафарга узатганларни биламан — Қўйбоқар деган итимиз 13 йил содиқ хизмат қилиб қариб ўлганда онам итнинг оғзига бир парча сарёғ солиб кўмдирган.

Дунёда нима кўп — итнинг зоти кўп — каламушдай зотидан тортиб каттароқ хўтикдай итлар бор. Итлар хилма-хил юмушларни бажаради — жосусларни тутиб беради, наркотик моддаларни топишда ёрдамлашади, ер ости бойликларини «айтиб беради» ва ҳоказо. Лекин итларнинг асосий вазифаси ҳовлини, уйни қўриқлаш, чорва молларини бўридан ҳимоя қилишдир.

Асли ит бўридан тарқалган экан. Лекин бўри итга қараганда йирик ва кучли. Ҳар тўкисда бир айб дегандек, яхшиямки бўри ёруғдан, чироқдан қўрқар экан. Бўлмаса чорванинг ҳоли не кечар эди, билмадим.

«Бўри қўшнисига ёмонлик соғинмайди», дейишади болаларимга ҳеч ким тегмасин дегандай инидан узоқ-узоқ жойлардан ов қилар экан.

Ҳар қандай бўлганда ҳам бўри чорва учун даҳшат. Бирдан бир қўриқчи — ит. Яхшиямки, итлар кўп, энг муҳими бу газанда итлардан эмас, итлар акиллаганда эгаларининг келиб қолишидан қўрқади. Бўлмаса унча-бунча итларингизни писанд қилмайди. Бўрининг тишлари йирик, узун, ўткир, бир тишласа етган жойини узиб олади. Шунинг учун итлар бўри келганда ёнига йўламасдан сирини бой бермаслик учун жон-жаҳди билан хураверади. Бўрибосар итларнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Турфа олам

# КЎКТОЙ

Бўри билан яккама-якка олишадиган итлар кам бўлади. Бундай итларни халқда сиртлон дейишади. Мингтадан битта сиртлон кучукча туғилиб қолиши мумкин экан. Сиртлоннинг орқа оёқларининг тўпиғида хўроз, товуқнинг пихига ўхшаган йирик тирноғи бўлади. Бўри ана шу сиртлондан қўрқар экан. Шунинг учун бўри сиртлон кучукнинг овозини билиб, уни норасталигидаёқ гумдон қилиш пайида бўлар экан.

Сиртлон ит қандай бўлишини ўз кўзим билан кўрганман.

Зомин тумани Тожикистоннинг тоғли қисми билан чегарадош. Тожиклар юртларида қиш совуқ ва серқор бўлганидан қиш ойларида қўйларини қадимдан Зомин, Жиззах, Бахмал туманларининг адир-яйловларида боқишар эди. Бизнинг қишлоқ яйловларига ҳам тожик чўпонлар қўйларини ҳайдаб келишар эди.

Уруш пайти эди. Чўпонларнинг қишлоққа иши тушмай иложи йўқ — ун, туз, гугурт дегандай. Қишлоққа Турдивой исмли бош чўпон итини эргаштириб келибди. Ҳамма «Чакки бўпти — ўзи келса бўларди, қишлоқ итлари итини талаб еб қўяди», дейишди.

Чўпоннинг итини кўриши билан қишлоқнинг 30-40 ити ёпирилиб итга ҳамла қилмоқчи бўлди. «Ана бошланди», дедик биз. Турдивойнинг эса парвойи палак. Чўпоннинг ити гердайганича пинагини бузмай тураверди. Ҳеч нарсани кўрмагандай, ҳеч нарса бўлмагандай. Қишлоқ итлари ҳайрон — ҳужумга ҳеч қандай жавоб бўлмагандан кейин обрўйинг бир пул бўлар экан. Итлар юришни секинлаштириб, ҳуришда давом этишди. Лекин биронта ит чўпоннинг итига ботиниб ташланмади. Бир-иккитаси юрак ютиб бошқаларнинг олдига ўтиб, меҳмон итнинг яқинига бориб акиллаб эди, кўкраги билан бир урди, ботирсинган итлар ўмбалоқ ошиб йиқилди-да секингина жуфтагини ростлаб қолди. Энди чўпон итига яқин борадиган мард қолмади. Барибир итлар итлигини қўлдан бой бермаслик учун ҳуришни давом эткизишди, ҳурганда ҳам энди ғолиб итга қараб эмас, кўпроқ томошабин бўлиб турган одамларга қараб ҳуришар эди.

Ёппирай, қандай ит экан бу! Эртаклардаги сиртлоннинг ўзи шу эмасмикан? Баланд бўйли, калласи катта, қора қоши ўзига ярашиб тушган, кўкраги арслонникига ўхшаган кенг, елкасида қисқа бўлса ҳам ёли бор, дум томони ингичка, ранги сарғиш, кўкраги оқ. Нима учун Кўктой деб атаганларини тушунмадик, бундай итларни Мўйноқ ёки Оқтўш дейишади. Турдибой Кўктойни эргаштириб қишлоққа яна бир неча марта келди, энди итлар Кўктойни кўриши билан ҳовлисидан чиқмасдан ҳурадиган бўлишди. Яхшиям ўшанда Кўктойни орқа тўпиқларидаги тирноқларигача кўриб олган эканмиз.

Ўша йили қиш совуқ келиб қор кўп ёғди. Чиллада бўри қутуриб, оч бўлса одамга ҳужум қилар экан. Дала-даштдаги қўйлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Турдивойнинг қўтондаги қўйларига ҳар куни бўри келар экан. Кўктой қўрғон бўлиб бўриларни қўтонга киритмайди. Бир кечаси бирданига беш бўри ҳужум қилибди. Турдивой қоронғида милтиғини кўтариб келса, Кўктой бир тўп бўри билан олишаётган экан. Чўпон яқин келиб милтиқдан ўқ узибди. Ўқ бўриларга эмас, Кўктойга тегибди. Турдивой: «Барча қўйларим ўлса ҳам рози эдим, фақат Кўктой омон қолса бўлди эди, барибир кўп қўйларни бўрилар еб кетди», деб йиғлаб юрди. Баҳор келиши билан юртига қайтиб кетди.

*Суюн ҚОРАЕВ, филология фанлари номзоди, Қирғизистон Давлат университетининг фахрий профессори.*

Танловлар

# БАХТЛИ ОИЛАЛАР

***Бектемир туманида «Бахтли оила» деб номланган кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди. Унда кўрик-танловнинг саралаш баҳсларида ғолиб чиққан тўрт оила қатнашди. Чунончи, «Роҳат» маҳалласидан Раҳимбоевлар оиласи, «Зилола» маҳалласидан Ботировлар, «Истиқбол» маҳалласидан Юнусовлар, Абай маҳалласидан эса Амировлар оилалари ўзаро куч синашдилар.***

Мусобақа давомида иштирокчилар танлов шартларини бажариш билан бир қаторда ўзларининг етти авлодлари ҳақида тўхталиб, бадиий чиқишлари билан қатнашчилар олқишига сазовор бўлдилар. Шундай қилиб, ғолиблик «Истиқбол» маҳалласида истиқомат қилувчи Юнусовлар оиласига насиб этди. Иккинчи ўринни Ботировлар, учинчи ўринни Амировлар ва Раҳимбоевлар оилалари қўлга киритди.

— Ҳар бир жамият фуқароси оилада тарбия топади, шаклланади ва улғаяди, — дейди Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Хайринисо Мирзажонова. — Шу боис ҳам мамлакатнинг истиқболи оилада камол топаётган фарзандларимиз тарбиясига, дунёқарашига кўпроқ боғлиқ. Кимки ўз оиласида бахтли яшаётган экан, у албатта ишда ҳам, ўқишда ҳам ўз йўлини топиб, ҳаётда бахтиёр яшай олади. Бунинг учун аввало оиладаги муҳитни шакллантириш, яъни соғлом муҳит яратилиши зарур. Бу ўз навбатида кўпроқ ота-оналарга боғлиқ масала. «Бахтли оила» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам бу фикрларимизнинг ижобат бўлишидаги ҳаракатларимиздан биридир.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**1998 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ЯНГИ ТАРИФЛАР ТАСДИҚЛАНДИ, УЛАРГА КЎРА 1 КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ:**

— Уланган қуввати 750 кв гача бўлган саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар учун — 5 сўм 50 тийин;

— носаноат истеъмолчилари, бюджет ташкилотлари ва шаҳар кўчаларини ёритиш учун — 4 сўм 40 тийин;

— савдо ташкилотлари, қаҳвахоналар, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун — 15 сўм;

— иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондиционерлаштириш) учун сарфланган электр энергияси учун — 15 сўм;

— реклама ва иллюминация учун — 50 сўм.

Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар 1998 йил 20 июлгача Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасига келиб шартномага қўшимча битим тузишлари шарт, акс ҳолда шартнома янги тарифлар бўйича қайта тузилган деб ҳисобланади.

Электр энергияси ҳақи ўз вақтида тўланиши шарт.

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.



Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0161. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.